Госбиблиотека СССР
Рос. книжная палата
01 НОЯ 1991

Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 202 (10.198).
1991 йил
18 октябрь
жума
Баҳоси 8 тийин.

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

КАТТА ИШНИНГ БОШЛАНИШИ

Агар ҳар ким, ҳар бир касб эгаси ўз ишини билиб қилса, сифатли бажарса ва пировард натижа, албатта, салмоқли, баракали ва кўп фойда келтиришини ҳис этиб меҳнат қилса мақсадга эришиш осон бўлади. Бўка ноҳиясидаги Тимирязев номли жамоа хўжалигида олиб борилаётган ишлар бунга мисолдир. Хўжалик ўтган йили ҳар гектардан сал кам 35 центнердан пахта хирмони кўтарди. Бу ноҳияда энг юқори кўрсаткич эди. Бу йилги қийин шароитда ҳам мўл ҳосил етиштирилди ва ҳозирги кунга қадар 2530 тоннадан ортиқ хом ашё топширилиб, режа ошириб биринчилар қаторида бажарилди. Бу ҳосилнинг 2300 тоннаси эса машиналарда терилди. Ҳали ҳосил бор, терим давом этяпти.

Бундай ютуққа қандай қилиб эришилмоқда? Жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Баҳром ХУЖАМОВ мухбиримиз Н. РИХСИЕВга бу ҳақда қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди.

— МЕНИНГ назаримда,— деди М. Хўжамов,— ютуқларимизнинг бош омили — бу меҳнатни ташкил этишнинг бригада усулини қўллаётганлигимиздадир. Бу усулнинг моҳияти оддий: хўжалик маъмурияти бригадалар билан шартнома тузади, ўз навбатида эса бригадада бўлтакчилар билан ички шартномани амалга оширилди. Ана шунга мувофиқ хўжалик маъмурияти бригада жамоаларини маҳаллий ва минерал ўғитлар билан таъминлайди, техника хизмати кўрсатади, дала шароитларини яхшилаб беради. Бўлтакчилар эса ҳар бири ўз имконига қараб икки-икки ярим гектардан ер оладилар. Ана шу майдондан бунча ҳосил етиштириб берамиз, сифати ундай бўлади, дала ўз вақтида пахтадан тозаланади, нобудгарчиликка йўл қўйилмайди, деб кафолат берадилар. Бу деҳқонларга ҳар бир гектар ер ҳисобидан мавсум давомида аванс пули бериб борилади. Бу аванс пули ойига ўртача 60—80, йиғим-терим даврида эса 120 сўмдан бўлиши мумкин. Аслини олганда бу пуллар деҳқонларни унчалик қизиқтирмайди. Улар кўпроқ пировард натижа яхши бўлишини, йил охиридаги даромадлари мўмай бўлишини кўзлаб иш қиладилар. Шу мақсадда гўза парвариши агротехникасига боғлиқ ҳар бир ишни ўз вақтида ва сифатли бажариб, мўл, сифатли, эртаги ҳосил олиш учун бутун маҳоратларини, тажрибаларини ишга соладилар. Улар режадан ортиқча топширадиган пахтадан келадиган даромаднинг кам деганда етмиш фоизи ўзларининг чўнтакларига келиб тушишини яхши биладилар ва шунга ҳаракат қиладилар. Шартнома бандларини тўла-тўкис бажариш учун интиладилар. Бу бандларнинг эса «нозик» жойлари кўп. Агарда иккинчи теримдан сўнг дала пахтадан тўла тозаланмаса, у қабул қилиб олинмайди ва оқибатда деҳқон қўшимча мукофотдан маҳрум қилиниши мумкин. Ким мўмай даромаднинг камайиб кетишини истайди дейсиз? Ҳар ким ўзи учун ҳаракат қилади!

Ҳозирги кунда пахтадан деҳқоннинг тирикчилиги ўтмай қоляпти, деган гаплар оралаб юрибди. Ҳақиқатдан ҳам пахтани эскича услубда йиғиб-териб, давлатга топшириш давом этадиган бўлса, бу гапга қўшилса бўлади. Лекин 1990 йилдан бошлаб ноҳия бўйича фақат бизнинг хўжаликда етиштириладиган пахтага эгалик қилишнинг янгича услуби жорий қилинди. Энди биз пландан ташқари етиштириладиган пахтага ўзимиз эгалик қиламиз ва сотамиз. Ўтган йили бундай пахта 500 тоннага етган эди. Тола ҳисобида 160 тоннани ташкил этди. Тошкент биржаси билан шартнома туздик. Улар бизга бу толамизнинг бир килограммини 18 сўмдан сотиб беришга ваъда қилишди. Ана шунда у икки миллион 873 сўм пул бўлади. Бундан ташқари, давлатга топширадиган пахтамиздан ҳам яхшигина даромад оламиз. Чунки эндиликда завод пахтани қайта ишлаб толага айлантириб берганлиги учун биздан фақатгина «тегирмон» ҳақи олади. Ўтган йили 1070 тонна ўрнига 1130 тонна тола чиқди. Ана шу ҳисобга (ҳали натижалар узил-кесил чиққани йўқ) 3—3,5 миллион сўм соф даромад олишимиз мумкин пахтадан.

Шу йилги ишларимиз, мўлжал қилинаётган якунлар, даромадлар ҳам чакки бўлмайди.

Пахта майдонларимиз анча қисқарди. Шунинг учун ҳам режадан ортиқча олинадиган хом ашё бироз камайиши мумкин: 400 тоннани мўлжаллаб турибмиз. Бу, албатта, бўлади. Имкониятини қилсак, бу пахтамизни валюта ҳисобига сотмоқчимиз. Биржадагилар бизга бу соҳада ёрдам қўлларини чўзишга ваъда беришди. Уларга аъзолик бадалини, фойда пули ҳисобидан фоиз тўласак, бўлгани. Даромаднинг катта қисми ўзимизнинг ҳамёнимизга келиб тушади.

Булар етиштирилган хом ашёнинг бир қисмини ўзимиз тасарруф қилиб, ундан келадиган фойдадан ўзимиз манфаатдор бўлиш йўлида қилинаётган катта ва хайрли ишларнинг бошланиши, холос. Ўйлаймнки, йил сайин бу ишлар такомиллашиб, район миқёсида оммалашиб, яхши тажрибалар билан бойиб боради.

Ўз навбатида бу соҳадаги қадамларнинг салмоқли бўлиши учун биз ҳам қараб турмаяпмиз. Далада ишловчиларга ҳамма шарт-шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилаяпмиз.

Ҳар йилдагидек бу йил ҳам асосий ҳосил машинада терилди. Битта машинанинг унумдорлиги 90—100 тоннага тўғри келди. Эркин Абдураҳмонов, Аброр Асроров, Абдусалом Эшонқулов, Орзиқул Назаров сингари механик-ҳайдовчилар мавсумда 150—200 тонна пахта териб бердилар. Бу ўринда Президент Фармонига қатъий амал қилганлигимиз ҳам катта омил бўлди. Агар машина терими мавсуми ўртача 20—25 кун давом этади, деб ҳисобласак, шу давр мобинида ҳар бир механик-ҳайдовчи ўртача тўрт-беш минг сўмдан пул ишлайди. Бундан ташқари мусобақага ҳам янгича тус берилди. Механик-ҳайдовчилар, қўлда пахта терувчилар қанча терганликлари, ҳосилнинг салмоғию, далани қандай тозалаётганликларига қараб ҳар беш кунда рағбатлантириб турилмоқда.

Далада ишловчилар меҳнатини қадрлаш билан бирга қаттиқ келиши кутилаётган қишдан қийналмасдан чиқишлари учун ҳам зарур чораларни кўриб қўйдик. Одамларга, уларнинг оила аъзоларининг кўп ёки озлигига қараб дон-дун, сабзавот полиз маҳсулотлари, чорваси борларга эса ем-хашак тарқатдик. Кечки картошка ва шоли ҳосилидан ҳам ҳар ким ўз улушини олади.

Ангрен билан шартнома тузгандик. Бунга мувофиқ биз 6 тонна гўшт етказиб берамиз, улар эса бизга 3 минг тонна кўмир берадиган бўлишди. Ҳозирги кунга қадар 600 тоннасини олдик ва хонадонларга тарқатдик. Босқичма-босқич қолган кўмирни ҳам олиб тарқатамиз.

Деҳқонларимиз гўштдан ҳам қийналишмаяпти, десам бўлади. Чунки чорва боқувчилар кўпайган. Маълум вақтда ҳар бир маҳалла навбати билан сўқимга боқилган молни сўйиб, гўштини ўзаро келишилган ҳолда бўлашиб олишмоқда.

Қисқаси, қишлоқ меҳнаткашлари ўз меҳнатлари эндиликда қадр топаётганликларини ҳис қилмоқдалар. Шунга яраша меҳнат қилмоқдалар, ва ҳузурини кўрмоқдалар. Биз эса бу соҳада уларга қўлдан келганча ёрдамлашмоқдамиз.

СУРАТЛАРДА: (чапдан) бригада бошлиқларидан Комилжон Каримов ва Мамажон Ҳайдаров, раис муовини Аҳмад Маҳкамовлар бу йилги ҳосил чўғидан мамнун бўлмоқдалар; илғор механик-ҳайдовчи Аҳмад Эшонқулов. У 150 тоннадан ошиқ пахта терди; чевар теримчилар Жамила Отабоева, Гулнозахон Бўсинова, Дилором Бобоназарова ва бригадир Имомназар Бобоназаровлар ўзаро суҳбатда.

Ж. ҲАМРОҚУЛОВ суратлари.

• СЎЗ—ИЛҒОР ПАХТАКОРЛАРГА •

ОЛТИН ҚАЗИБ ОЛУВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов олтин қазиб чиқарувчилар билан учрашди. Учқудуқ шаҳрига борди, шимолий маъдан бошқармаси корхоналарида бўлди. У корхона ишчилари, мутахассислари билан суҳбатлашди, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари билан қизиқди.

Суҳбат марказий маъдан бошқармаси корхоналари — Мурунтов кони ва иккинчи кон-металлургия заводида давом эттирилди.

Зарафшон шаҳрида И. А. Каримов барча даражадаги депутатлар, Учқудуқ ва Зарафшон, Бухоро вилоятининг Томди ва Конимех районлари меҳнаткашларининг вакиллари билан учрашди.

Президент ўз нутқида кенг доирадаги муаммоларга тўхталди, давлат Кенгашининг яқинда ўтган мажлиси тўғрисида батафсил сўзлади (бу мажлисда ўн республика раҳбарлари иқтисодий ҳамжамият тўғрисидаги шартномани имзолашни ёқлаб чиқдилар), мамлакатда ва Ўзбекистон Республикасида ишларнинг аҳволи ҳақида, ҳозир республика ҳукумати ҳал қилаётган ҳаётий муҳим масалалар тўғрисида гапирди.

И. А. Каримов тўпланганларнинг жуда кўп саволларига жавоб қайтарди. Республиканинг ушбу муҳим минтақасини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш учун мутахассисларнинг катта гуруҳини юбориш тўғрисида таклиф киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг сафарида халқ депутатлари Бухоро вилоят Советининг раиси Д. С. Ёдгоров, Бухоро вилоят ижроия комитетининг раиси М. Р. Раҳмонов унга ҳамроҳ бўлдилар.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ ТАРКИБДАГИ СССР ОЛИЙ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА:

СССР Олий Кенгаши сессиясининг биринчи мажлисига келган янги таркибдаги СССР Олий Кенгаши аъзолари 1991 йил 19 ва 20 октябрь кунлари Кремлда СССР Олий Кенгашининг биносида соат 10 дан 19 гача рўйхатга олинадилар.

ЯНГИ ТАРКИБДАГИ СССР ОЛИЙ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ БИРИНЧИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Янги таркибдаги СССР Олий Кенгаши сессиясининг биринчи мажлиси 1991 йил 21 октябрь куни эрталаб соат 10 да Кремлда СССР Олий Кенгаши палаталарининг Мажлислар залида Республикалар Кенгаши ва Иттифоқ Кенгашининг биргаликдаги мажлисида очилади.

ТЕРИМ КУНДАЛИГИ

(17 октябргача, режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — бир кунлик ўсиш, иккинчи устун — мавсум бошидан буён, учинчи устун — машинада бир кунда, тўртинчи устун — мавсум бошидан.

Ғалаба	1,90	91,29	1,96	102,72
Ўрта Чирчиқ	2,11	88,73	2,07	96,04
Бекобод	2,44	87,00	2,55	94,89
Бўка	2,29	82,19	2,47	90,49
Юқори Чирчиқ	2,67	76,55	2,68	91,00
Оққўрғон	2,40	76,20	2,68	85,86
Пискент	2,52	74,94	3,12	82,41
Чиноз	2,61	68,41	3,31	73,91
Янгийўл	2,43	68,15	2,17	65.73
Вилоят бўйича:	2,33	80,87	2,49	89,78

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ— ОЛТОЙ ЎЛКАСИ

ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН

КЕЧА Тошкент вилоятига Олтой ўлкаси ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари В. В. Коновалов бошчилигида Олтой ўлкаси делегацияси келди.

Делегация таркибида ўлка ижроия қўмитасининг бўлим мудири Л. В. Чаплановa, Барнаул пахтани қайта ишлаш комбинати директори А. А. Пушкарев, пахтани қайта ишлаш илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Е. К. Ганеман, «Олтой» ишлаб чиқариш бирлашмаси трактор заводи директори В. Г. Кулешов, ўлка матлубот жамиятлари бошқарувининг раиси В. М. Красилов ҳамда Олтой тижорат-воситачилик компанияси бош директорининг ўринбосари А. А. Бугорский ўртоқлар бор.

Олтой ўлкасидан келган бу делегация Тошкент вилояти билан ўзаро ҳамкорлик, иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, мустаҳкамлаш учун келишди. Кеча Олтой ўлкаси ва Тошкент вилояти ўртасида ўзаро иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш юзасидан икки томонлама музокаралар бошлаб юборилди.

Шу куни олтойлик қардошларимиз вилоятимизнинг Олмалиқ шаҳри, Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли жамоа хўжалиги ва бошқа жойларида бўлдилар.

• Калинин ноҳиясидан хабарлар •

ҚОВОҚ УЗИШ БОШЛАНДИ

● ШУ КУНЛАРДА ҳар хил сабзавот маҳсулотлари ортган машина-тракторларни кўча-кўйда кўп учратасиз. Уларга қараб туриб, баланд-паст қир зоналарида юк ортиб кетаётган туя карвони кўз ўнгимга келади. Ҳа, булар от, туяларнинг чарчамас темир турларидир. Бу карвонлар айни кунларда ошқовоқ етиштирилган даладан ҳосилни ортиб, давлат қабул пунктлари томон йўл олишмоқда. Бу йил Калинин районидаги «Москва» шўро хўжалиги деҳқонлари 48 гектар ерга қовоқ уруғини экишиб, 1195 тонна ҳосил олишни режалаштирганлар. Баҳодир Набиев, Мурод Мустаев, Азим Аҳмедовлар бошлиқ бригадалар деҳқонлари қовоқ узишни бошлаб юбордилар. Бу бригадаларнинг ҳар бири 25 тоннадан ҳосил олишга бел боғлаганлар.

ХАШАК ТЎПЛАНМОҚДА

● ХЎЖАЛИК деҳқонлари бу йил мўл-кўл сабзавот маҳсулотлари топшириш билан бир қаторда гўшт ва сут етиштиришни ҳам камайтирмаяптилар. Чорвадорлар бу йил қишловга пухта тараддуд кўрдилар. Мавжуд 33 гектар майдондаги маккажўхоридан 640 тонна сердармондорили силос бостирилди.

Озуқа тўплашда механизаторлардан Ўроз Сарибоев, Ҳожимурод Тожибоев, Ҳабибулло Юнусов, Тоғай Торғаутов, Мўлдабек Еримбетов, Умар Бекбулатовлар барчага ўрнак кўрсатдилар.

И. ҚОСИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ДАВЛАТ БОЖИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ҳакамлик судлари ҳақида қонун қабул қилингунга қадар қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳакамлик судларида кўриб чиқиладиган ишлар бўйича Давлат божи Ўзбекистон Республикасининг Республика бюджети даромадига тўланади ёки ундириб олинади.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳакамлик суди ушбу фармонни мустақил республикалар (давлатлар)нинг тегишли ҳакамлик органларига маълум қилсин.

3. Ушбу фармон 1991 йил 1 ноябрдан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1991 йил 16 октябрь.

ОБУНА-92

Тошкент ҲАҚИҚАТИ

ҚАДРДОН РЎЗНОМАНГИЗГА ЁЗИЛИШНИ УНУТМАНГ!

1992 йил учун рўзнома ва ойномаларга обуна давом этмоқда. Бошқа нашрлар қатори «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» рўзномасига ҳам барча алоқа бўлимларида обуна қабул қилинмоқда.

«Тошкент ҳақиқати»нинг бир йиллик обуна баҳоси — 25 сўм 68 тийин, ярим йилга 12 сўм 84 тийин, уч ойга эса 6 сўм 42 тийин.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР! Фурсат ғаниматлигида ўз рўзномангиз — «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га обуна бўлишга шошилинг!

ЗАМОН ВА ЁШЛАР

Ишлар ҳаёти, ҳарбий-ватанпарварлик, ахборот ва спорт бўлими * 32-56-45

БИЗ СИЗДАН МАМНУНМИЗ

20 июнь куни рўзномамизда «Замон ва ёшлар»нинг янгича тус олган саҳифаси эълон қилингандан сўнг бўлимимиз номига келаётган мактублар оқими кескин кўпайди. Уларнинг кўпчилиги «Болалар» гуруҳи ҳақидаги мақолага бағишланган. «Замон ва ёшлар»да Мезбон «лавозимининг» ташкил этилиши ҳам ёшларнинг ҳайқириғига сабаб бўлди. Шунча пайтгача бировга ўз сирларини айтиб ўрганмаган ёшлар кўнгилларига таскин берадиган кишини топгандек эдилар. Хатжилдга муҳарририят манзилгоҳидан сўнг фақат бир сўз — «Мезбонга» деб битилган ҳар бир мактубни очаётганимда ўзгача ҳаяжонланаман. Ҳар бирида дард, алам. Менга бўлган ишончингиз учун ташаккур. Бугун саҳифамизда ана шундай мактублардан бирини эълон қилаяпмиз.

«Севгида дастур йўқми?» ҳамда «Ўйлаб қоласан киши» рукнлари ҳам муштарийларда катта қизиқиш уйғотган. Улар мактуб ва хабарларида турмушимизда учраб турадиган муаммоларга ўз муносабатларини билдирганлар.

Биз, албатта, ҳар бир хатни ўрганиб, улардан иложи борича фойдаланишга ҳаракат қиламиз ва бу билан мактуб эгаларига сал бўлса ҳам ёрдамимиз тегса бошимиз кўкка етади. Бироқ баъзида шундай мактублар учрайдики, уларга нима деб жавоб беришни билмай қоласан. Мана шулардан бири.

«Ҳурматли Мезбон. Мен қийин аҳволда қолдим. Мактабда ўқиб юрган кезларимда ўз синфдошим А. га кўнгил қўйган эдим ва бу ҳақда бутун мактаб ва унинг ота-онаси ҳам биларди, Аммо ўқиш тамом бўлгач, А. лар маҳалламиздан кўчиб кетишди. Ёшликдаги муносабат оддий ҳавас экан шекилли... Ўзаро алоқамиз ҳам узилди. Яқинда бир йигит билан танишдим. Тез орада у уйимизга совчи юборди. Ҳозир тўйга тараддуд кетаяпти. Лекин куни кеча бир хабарни эшитиб донг қотиб қолдим. Менга уйланмоқчи бўлган йигит А. лар билан ёнма-ён қўшни экан. Нима қилсам экан, агар мен бораётган ҳовли эгалари А. билан эски муносабатимизни билиб қолишса унда нима бўлади?...»

Мактуб эгасининг илтимосига биноан унинг исмини кўрсатмадим. Бироқ, унга маслаҳат бериб, тўғри йўл кўрсатиш керак. Балки бу масалада Сиз, азиз муштарийлар ўз фикрларингизни билдирарсиз.

Мактубларингизга муштоқман

МЕЗБОН.

• Мезбонга мактуб

БАҒРИТОШ ОТА—ОНАЛАР ЎҚИШСИН...

Мен катта оилада ўсиб улғайдим. Ҳар доим катта оила деганда, аҳил, иноқ, пирубадавлат оила тушунилади. Лекин бизнинг оила...

Эсимда, мактабда ўқиётган пайтимда «Бизнинг оила» деган мавзуда иншо ёзиш топширилганди. Ўшанда мен нима ёзишни билмай роса қийналгандим. Ўз оиламиз ҳақида ёзишга уялардим. Шунда мен иншони биринчи бор ёлғон сўзлар билан битдим. Мен ёзган оила ҳақидаги фикрлар, тасвир асло ҳақиқатга тўғри келмас, у фақат хаёлларим, менинг орзуимдаги оила тасвири эди, холос. Кейинги дарсда ўқитувчимиз менинг иншоимни роса мақтади. «Иншони ана шундай ёзиш керак» деб бошқаларга намуна қилди. Мен ўша пайтда қанчалар қийналганимни тасаввур қилсангиз эди!..

Оилада 5 фарзанд эдик. Ҳаммамиз қиз. Отам оилада ўғил бўлмагани учунми бизни кўрарга кўзлари йўқ эди. Ҳеч қаерда ишламасдилар. Ҳар куни ичиб келиб ҳаммамизни сўкар, онамга-ку муштдан қутулиб қолиш катта гап эди. Отамнинг соғлом ҳолатда бўлганини ҳеч эсолмайман. Бизни сўкканлари-сўккан эди. Катта опам бундай ҳаётга чидолмай барвақт турмушга чиқиб кетди. Мен ишга кирдим. Уйда камроқ бўлишни афзал кўриб, икки сменада ишлай бошладим. Кечқурун уйга чарчаб келсам, отам менга кундалик «совға»сини тайёрлаб кутиб турган бўларди. «Ҳа, ўйнашингникидан келяпсанми, ифлос?», «Йўқол, ўйнашингникига, сенга бу уйда жой йўқ!» — бундай гапларни эшитиб ҳаётга келганимга пушаймон бўлиб кетардим.

Отам мени уйдан ҳайдаб чиқарди. Мен ҳатто ҳужжатларимни ҳам ололмадим. Алам қилгани шу бўлдики, на сингилларим, на онам менинг ёнимни олишди. Қаёққа боришимни ҳам билмасдим. Корхонамиз раҳбари олдига кириб, менга ётоқхона ажратиб беришларини сўрадим. «Ётоқхона четдан келганлар учун» деб менга бирор бошпана беришни лозим кўришмади. Шу кунгача дугоналаримникида ётиб юрибман.

Отамнинг «қилиқ»ларини кўриб мен «Ҳамма эркаклар шундай бўлади, энди иложи бўлса ҳеч қачон уларга яқин юрмайман» деб ўзимга ваъда бергандим. Лекин бундан бир неча ой муқаддам бир йигит билан танишиб қолиб, фикримни ўзгартирдим. Афсус! Хато қилган эканман. Қоп-қоп ваъдалар берган, мен ишониб, суяниб юрган йигит мени фақат алдаб келган экан. Яқинда унинг ўз оиласи бор эканини эшитиб қолдим... Мен ҳаёт сўқмоқларида адашиб, оғир кунларни кечираётган пайтимда шу йигит билан танишиб, ўз бахтимни топдим, деб ўйлагандим. Йўқ, бу дунёда менга бахтли бўлиш насиб қилмаган экан! Ҳаётдан тўйдим. Мен учун энди яшашдан мақсад ҳам қолмади...

Ушбуни ёзишимдан мақсад, уни бағритош ота-оналар ўқишсин. Балки ўзларига керакли хулосалар чиқариб олишар. Уларни деб қанчадан-қанча фарзандлар бахтиқаро бўлганини тушуниб етишар. Отам мени уйдан ҳайдамаганида, онам эса ўша пайтда қўрқоқлик қилмай менинг ёнимни олганида балки тақдирим бошқачароқ бўлармиди?..

Зебинисо, 21 ёш.
Тошкент шаҳри.

БАҒИШЛОВ

Бугун сиз бахтлисиз... Ҳаммадан бахтли,
Ҳаваснинг нигоҳи сизга маҳлиё.
Ҳижрон азобларин қолдириб доғда
Сизга насиб этмиш бахт қуши—ҳумо!
Бугун сиз бахтлисиз... Ахир бу кунни
Озмунча кутишга тўғри келдими?!
Севгини авайлаб, тутиб пинҳона,
Қийналганларингиз биров билдими?!
Бугун сиз бахтлисиз... Қувончу севинч
Сизга бахш этибди ўзгача чирой.
Бугун иккингиздан гўзалроғи йўқ,
Ҳатто маҳлиёдир сизга қуёш, ой.

Бугун сиз бахтлисиз... Балки қайдадир
Қайсидир бир уйнинг бир бурчагида
Сизнинг бахтингиздан бир қиз ё йигит
Армон яратади ўз юрагида.
Бугун сиз бахтлисиз... Илоё бу бахт
Ҳар ошиқ юракка муҳрини ўйсин.
Уларга ҳам одамлар боқиб ҳавасла
«Бугун сиз бахтлисиз, бахтли!» деб қўйсин.

ШАҲНОЗА.
В. ТУРАЕВ сурат-лавҳаси.

ШУНДАЙ ВАЗИЯТДА НИМА ҚИЛГАН БЎЛАР ЭДИНГИЗ?

• Луқма

НИМАЛАРНИ ГАПИРАРКИН?

Бир танишим Японияга бориб келди. Кўпни кўрган, олий маълумотли муҳандиснинг «кун чиқар мамлакат»даги ажойиботлардан ҳайратланиб, завқшавққа тўлиб ҳикоя қилаётганини кузатарканман, негадир... ачиниб кетдим. Японларга эмас, ўзимизга. Дайди ҳаёлим минг кўчага кириб чиқди.

Яқинда ўзим ҳам «саёҳат»га боргандим, Бекободга. Соатига 700—800 чақирим йўл босувчи, махсус издаги электропоездда эмас, 100 чақирим йўлни икки ярим соатда ўтадиган, ўзимизнинг қадрдон совет «ЛАЗ»ида. «Йўл азоби, гўр азоби» деган қадимий нақл ҳалиям кучда, шу сабаб бунга тўхталиш ошиқча. Пойтахтга келдим-у, шошилинч зарурат билан уйга сим қоқмоқчи бўлдим. Аксига олгандай автоқўнимда бирорта телефон тополмасам-а. Йўқ десам ёлғон бўлар, бор, тўғрироғи, бўлган, бироқ ҳозир ўрнигина қолган. Начора, бардошли халқнинг вакилимиз-да, ажабланмай, чопиб, энг замонавий услубда қурилган, дабдабали «Жанубий вокзал»га ўтдим. Дид билан қатор ўрнатиб қўйилган телефонларни кўрдим-у севиниб кетдим. Афсуски «усти ялтироқ ичи қалтироқ» бу матоҳларнинг бирортаям яроқлиси йўқ эди.

Кимдир чорраҳадаги қаҳвахона ёнидан қўнғироқ қилишни маслаҳат берди. Оёғим тортмаса-да бордим. Кўнглим сезганича бор экан, тўртта телефон худди келишгандек ҳақни «ғиқ» этмай ютдию, ҳожатни барор қилишни унутди.

Асабим қўзғаб автобусга чиқдим. «Чилонзор» метро бекати ёнидан ўтар эканман, шу пайтгача эътибор бермаган манзарага кўзим тушди-ю...

Бозорча қурилишини кутмаёқ йўл ёқасида ўз «қўлбола раста»ларини ўрнатиб олишган «ишбилармонлар» телефон будкасидан соябон ўрнида фойдаланишарди...

Дўстим ҳамон микро ва электрон ғаройиботлар, камфорт меҳмонхоналар ҳақида гапираяпти. Мен бўлсам ўйлаяпман. «Агар бирорта япон шаҳримизга бир келиб кетса, кундалик турмуш ташвишлари билан яқиндан танишгач, юртига қайтиб, биз ҳақимизда нималарни гапираркин-а?»

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ.

● **Автобусда кетаяпсиз. Бекатларнинг бирида автобусга 5 ўспирин чиқишди. Улар орқангиздаги ўриндиқда ўтирган қизга шилқимлик қила бошлашди. Автобусдагилар уларни тинчитиш у ёқда турсин, барзанги йигитларнинг савлатидан қўрқиб, ҳатто қайрилиб боқишмаяпти. Йигитларнинг кайфиятидан эса биров «ғинг» деса жанжал кўтаришлари сезилиб турибди.**

● **Кўчада кетаётганингизда бир ҳовлидан ҳовлиқиб аёл киши югуриб чиқди. Сиз учун умуман нотаниш бўлган бу аёл сиздан ёрдам сўради. Унинг айтишича, уйига босқинчилар кириб олиб, ўғирлик қилишаётган экан. Уйда аёлдан бошқа ҳеч ким бўлмаганидан, у бирор кўмак учун кўчага югуриб чиқибди. Кўчада сиздан бошқа ҳеч ким йўқ. Яқин-атрофда телефон будкаси ҳам кўринмайди.**

● **Сиз бир йигитни севардингиз. Лекин унга бу ҳақда ҳеч гапиролмасдингиз. Пинҳона севиб юрган кунларингиздан бирида ота-онангиз сизни яқин танишларининг фарзанди билан унаштириб қўйишди. Сиз эса фақат ўз севганингиз билан бўлишни орзу қилардингиз. Севганингизнинг ўзингизга бўлган муносабатини билмаганингиздан қийналардингиз. Лекин унаштирилган кишингиз дидингизга мос тушди-ю, тақдирга тан бердингиз. Бироқ кўп ўтмай, унаштирилганингиздан бехабар бўлган севгилингиз сизга ўз муҳаббатини изҳор қилди ва у билан турмуш қуришингизни сўради.**

• ТЕНГДОШИНГ ИЖОДИ •

«ИСКРЎМНИЙ» ЙИГИТ ТААССУРОТЛАРИ

(«ҚИЗИҚЧИ—91» КУРИГИ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ ВА ҚИЗИҚЧИ ДЎСТЛАРГА БИР ЧИМДИМ... ҲАЗИЛ)

«Замон ва ёшлар»нинг аввалги сонида бу рукн эълон қилинганида биз вилоятдаги иқтидорли ёш қаламкашлардан хат-хабарлар кутган эдик. Ҳақиқатан ҳам бўлимимиз почта қутисига номлари ҳали кўпчиликка нотаниш бўлган, бироқ ижод соҳасида атак-чечак қилаётган ёшлардан материаллар келди. Биз «Замон ва ёшлар»нинг келгуси сонларида улар билан албатта таништирамиз.

Бугун эса муштарийлардан кўпчилигининг талаб ва истакларига биноан яна пискентлик Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВга навбат берамиз. Айтганча, Тўхтамуроднинг ҳаётида ўзгариш бўлибди. Энди у жумҳурият рўзномаларида ҳам тез-тез чиқиб тураётган экан. Фақат тахаллус билан — Тўхтамурод Ҳасан Бой.

Кўрикда пискентлик ёш ҳажвчи Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ ва унданам ёш (7 яшар) ўртачирчиқлик қизиқчи Шерзод БОЙМУРОДОВлар ҳам иштирок этишди. Қуйида мухбиримиз Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВнинг кўрик таассуротлари билан танишинг.

Биламан, биламан. Сарлавҳани, айниқса тагидаги изоҳни кўриб, ўзини-ўзи газетага ёзибди-да, мақтанчоқ, деб ўйлаяпсиз. Худо асрасин! Ундай одатимиз йўқ. «Искрўмний» йигитларданмиз. Тўғри. Кўрикда қатнашдик. Чунки оғайнилар қўйишмади-да! Бор-бор, деявериб! «Сиддиқнинг тўйида боплагансан. 8 майда «Ёш ленинчи»даям ўқидик. Сенда бир нарса бор» дейишди. Мен «Ҳай мусулмонлар, битта хотин, иккита боладан бошқа ҳеч нарсам йўқ, аҳир»,— деб неча бор айтдим. Унашмади. «Борасан, бирорта ўрин оласан. Ювамиз»— дейишди. Начора. Улфатлар амри вожиб.

Бордик. Қатнашдик. Нечанчи ўринни олдинг, дейсизми? Э, қўйсангиз-чи! Биз бир «искрўмний» йигит бўлсак. Ҳозиркі акамиз айтганларидек, «человек-ведрў». Узингиз ўйланг, узоқ-узоқ вилоятлардан не-не умидлар билан келган қизиқчиларнинг ҳурмати қайда қолди, мезбон бўлиб биз ўрин талашиб юрсак! Ўзику нархнаво билан бирга меҳр-оқибат ҳам кўтарилиб кетди. Энди меҳмондўстликниям йўқотамизми? Йўқ, ўқимишли, маданиятли ва бир «искрўмний» киши сифатида мен бундай қилолмайман.

Сезяпман. Баҳона қиляпти, деяпсиз. Очиғини айтай. Ўрин керак бўлса, олардим. Чунки жюри аъзоларининг «пашти» ҳаммаси таниш. «Табассум» устахонасининг бош «мастери» Тўланбой ака билан уч марта қўл бериб сўрашганман. Туҳфа Назарова билан телефонда гаплашганман. Меҳмонқул аканиям яхши танийман. «Муштум» муҳаррири Неъмат Аминов билан 5 йил бурун «Далварзин»да пахтада бўлганмиз. «Шум бола чойхонаси»нинг оёққўли енгил хизматчиси Беккул Эгамқулов — ўзимизнинг акахонимиз. Отнинг қашқасидек танийди мени. Бирор нарса ёзиб борсам, «Кейинги гал ёзмайман десангиз, мақолангизни албатта чиқарамиз»,— деб мени ҳар гал эшиккача кузатиб қўяди. Ҳурмат бўлса, шунчалик бўлади-да! Э-ҳе, озмунча асарларим ётибдими, унинг тортмасида. Халқ билмайдида! Саид Аҳмад, Анвар Обиджон, Муҳиддин Дарвешов, Мирзабегу Обидларниям яхши танийман. Фақат улар мени билишмайди, холос.

Аммо, қизиқчилар беллашувига бориб зиён қилмапман. Бўлди кулгу, бўлди ҳангома! Рустамжон Мирзаалиев деган йигит баҳсни бошлаб берди. Лекин қойил қолдим жасорат!а! Ҳамманинг олдида бир қизга суратини бервордия! Ичимда айтдим: «Э, оғайни, бизга ўхшаб тиш дўхтирга эр бўлганингизда, кўрардик қизларга эсталик беришингизни!»

Яна биттаси бор экан. Саҳнага чиқа солиб нима дейди денг: «Ассалому алейкум, дўсту-душманлар!». Короткий, ясний, чўткий. Тўртта сўзга тўрт минут қарсак бўп турса-я! Аммо оғайнимиз «Алла»ниям айтиб қўяркан, «Ламбада»нинг оҳангида. Болтавой Тошматов, Шукрулло Маҳкамов, Ғайрат Аҳмедов, Худойберди Зиёев, Аҳмадали Акбаров, Исроил Тошпўлатов, Зайниддин Узоқов... Эҳ-ҳе, қизиқчига бой экан халқимиз. Кулаверганимдан ичакларим тортишиб, ўпкаларимгача хириллаб қолса денг.

Кўпчиликдан кўп гап чиқадида. Бу ёқда ҳангомалар давом этяптию, баъзи томошабинлар баҳсдан тўхтамайди. Орқамдаги йигит: «Яхши-ю, аммо юракдан чиқариб айтолмаяпти»,— дейди бир қизиқчи ҳақида. Тавба, юракдан чиқаряптими, ўпкаданми, ишқилиб эплаяптию! Нима иши бор экан энди?! Кўзойнакли бир кимсанинг таърифи унданам ошиб тушди: «Проблема бор. Но томошабинга етказиб беролмаяпти. Какой-та оғир кулгу-да!»

Секин қулоғига шивирладим:

— Узр, акахон, тарозибон эмасмисиз?

— Йўқ, нимайди?

— Кулгуларнинг вазнини ўлчаб турганингизга айтяпман-да!

Шундай қилиб, кўрик ғолиблариям аниқланди. 1-, 2-, 3-ўринлар эгалланди. Бошқа қизиқчиларнинг ҳам бўйбасти, кийими, қаерда ишлашию, отаонасининг лавозимларига қараб ўринларни тақсимлаб ташлашди. (Ичкарига кириб кетиб қолдим. Ҳамма муҳаррият ўз мухбирини жўнатган бўлса. Менинг мақоламни ким ҳам чиқарарди? Йўқ, насиб қилгани бор экан. У конкурсдан ташқари қатнашган ўртачирчиқлик ёш санъаткор Шерзод БОЙМУРОДОВ эди. Унинг қандайлигини таърифлаб юрмай-да, яхшиси ҳангомаларидан бир шингил эшитинг.

Ҳасан билан Ҳусан узоқ тортишиб қолишди.

— Мумкин,— деди Ҳасан.

— Мумкинмас,— деди Ҳусан.

— Мумкин!

— Мумкинмас!..

Баҳс узоқ давом этди. Охири улар кампирнинг олдига боришди.

— Буви, буви,— деди Ҳасан,— сиз фарзанд кўришингиз мумкинми?

— Мумкинмас, болаларим,— деди кампир илжайиб.

Ҳусан эса гапини маъқуллади:

— Айтдим-ку сенга бувим ўғил бола деб...

...Шундай қилиб Ҳусан гаровда бир «пачка» печеньени ютиб олди. У ютуқни дарахт тепасига чиқиб еб ўтирганди, пастдаги курсига бир йигит ва қиз келиб ўтиришди.

— Мени барибир сизга беришмайди,— деди қиз оҳиста.

— Беришади,— деди йигит дўриллаб,— бўлмаса сизни обқочиб кетаман!

— Вуй, иккаламиз бошимиз оққан томонга кетаверамизми? Қорнимиз оч қолса-чи?..

— Оч қолмаймиз. Тепамизда худо бор!

Юқорида суҳбатни эшитиб ўтирган Ҳусанга бу гап ғалатироқ туюлди:

— Ўзи биттагина печенье қолди-ку! Қайси бирингизгаям етарди бу?!

Шерзод латифаларини айтиб тугатган ҳам эдики, залнинг ярми қийқириб юборди: «Яшавор, ота ўғил!» Уч дона гулни кўтариб чиқсам, бола йўқ. Гулларга кўмиб ташлашган экан. Бир амаллаб топдим-да, «чўлп» этиб ўпиб қўйдим. Саҳнадан қайтиб тушаётсам, бир паст бўйли йигит илжайиб турибди. «Ҳа, ака, нега мени ўпяпсиз?»— дейди. Сир бой бермадим:

— Биринчидан, оёқ остида ўралашиб нима қиласиз?— дедим жаҳл билан.— Иккинчидан, соқолни олиб юриш керак. Лабларимгача қонаб кетди-я!

Шерзод Ўрта Чирчиқ районидаги Ҳамид Олимжон номли 43-ўрта мактабнинг 5-синфида ўқияпти. Ўқишлари аъло экан. У вилоят комсомол қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган «Истиқбол—91» кўригининг ҳам, мазкур синов ғолибларининг Тошкент Давлат циркида бўлган ҳисобот концертининг ҳам энг ёш иштирокчиси экан. Ҳатто Ўзбекистон радиоси орқали бериладиган «Қувноқ танаффус» эшиттириши тингловчиларига ҳам унинг исми-шарифи таниш экан.

Шерзодни секин четга тортиб, суҳбатлашдим.

— Ишқилиб тўй-пўйга юрмайсанми? Газетга ёзворсам, яна «падвадит» қилиб...

— Йўғ-ей!

— Пул ёмон нарса-да, жиян, пулга ўрганма! Хўпми?

— Хўп, ака!

— Агар жуда боргинг келса, ўзим айтаман. Ўғилчани тўй қилганимда. Омон бўл, жиян!



● Суратда муаллиф Шерзод Боймуродов билан.

Тўхтамурод ҲАСАН БОЙ.

ЎЙЛАБ ҚОЛАСАН, КИШИ...

ЎЗБЕГИМ ЎҒЛОНЛАРИ

«Ўша куни ўқишдан қайтаётгандим. Мен чиққан автобус жуда тиқилинч эди. Бекатлардан бирида унга 17—18 ёшлар чамасидаги тўрт ўспирин чиқишди. Тиқила-тиқила ўртага сурилиб олишди. Шу пайт улардан бири мендан сал нарида турган аёлнинг сумкасидан кармонини олаётганини кўриб қолдим. Энди оғиз очишга жазм этгандим, биров турди. Ёнимда шериклари-дан бири турган экан. Кўрсаткич бармоғини лабига қўйиб, «жим бўл» ишорасини қилди. Кундалик турмушимизда содир бўлаётган воқеаларни эшитиб юрганимдан бирор нарса дейишга журъат қилолмадим. Йигитлар эса «ов»лари юришди чоғи, кейинги бекатда тушиб қолишди».

Дугонамнинг бу ҳикоясини эшитиб ўйланиб қолдим. Қачонгача «сен менга тегма, мен сенга тегмай» қабилида бундай воқеаларга четдан бефарқ қараб турaверамиз? Қачонгача кўчаларда ҳадиксираб юрамиз? Кечки пайтлар бирор ерга чиқолмаймиз, кўчаларда ўзимизнинг ўзбек йигитларимиз кишининг асабига тегадиган гаплар айтиб, тегажоғлик қилишади.

Ўзбек аёллари сўнгги пайтларда чиройларига чирой қўшувчи зебу-зийнатларини тақмай қўйдилар. Кўчаларда, автобусларда тақинчоқларни тортиб кетаётганларининг кўплаб гувоҳи бўламиз. Бу ишларнинг «қаҳрамон»лари эса асосан ўзбек йигитлари.

Мен бу билан қизларимизни ёқламоқчи эмасман. Фақат уларга насиҳат қилавериб, ўғиллар наздимиздан йироқлашиб кетмаётганмикинлар, деган фикрдаман. Наҳотки, ўзбек фарзанди ўз маданиятини шу тарафлама кўрсатса? Бу билан ўзгаларга намуна бўлса?

Албатта, бу гаплар барча йигитларимизга тааллуқли эмас. Одобли, хушхулқ йигитларимиз ҳам анчагина. Лекин...

Шаҳло ОБИДОВА.



ИСТИҚЛОЛНИ КЎРГАН ШОИР

ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ бугунги кундаги атоқли вакилларидан бири Ўзбекистон халқ шоири, драматург, таржимон, адиб ва жамоат арбоби Шукрулло акани ўйлаганимда, у кишининг серқирра ижодиётини кўз олдимга келтирганимда, биринчи навбатда, ҳаёлимга, беихтиёр ҳаёти ва ижоди Шукрулло акага туташ улуғ ёзувчиларимиз —руҳлари барҳаёт сиймолар келади. Булар: Абдулла Қодирий ва Чўлпон, Фитрат ва Усмон Носир, Миртемир ва Шайхзодалардир... Бу устозларнинг қисматида бир-бирларини тўлдирувчи жиҳатлар бор. Шу билан бирга уларнинг ҳар бири ўзи буюк бир олам. Буюк бир тақдир. Шукрулло ака, «Шарпалар» номли шеърини шундай тугатади:

«Менда истиқболни кўриш ташвиши,
Бусиз на завқим бор, на бахт,
на тинчим».

Бу қутлуғ ташвиш. Бу ташвишни — истиқболни, аслида, куйламаган шоир йўқ, деса бўлади. Қўлига қалам олган ҳаваскор шоир ҳам истиқболни ўзича куйлаши бежиз эмас ва бу табиий. Лекин гап қайси истиқболни қандай куйлашда. Бир шоир учун истиқбол эртанги кундаги яхши ҳаёт, машина, амал бўлса, бошқа бир шоир учун истиқбол бу — Ватани ва она халқининг озодлиги, мустақиллиги. Шу маънода бу кунги ижод аҳилларининг хирмонини кўтарадиган бўлсак, давр шамолларига берилиб ёзилган кўп асарларимиз ғалвирдан тушиб қолиши тайин. Бу ҳар бир ижодкорнинг босиб ўтган ижодий изи билан боғлиқ.

Шукрулло аканинг «Из» номли шеъри худди шу ҳақда, яъни инсоннинг ҳаётда қолдирган изи ҳақида ёзилган. «Яна баҳор келди!..», деб бошлайди шоир шеърини. Яхшиси, шеърни тўла ўқийлик:

Яна баҳор келди! Қолган умр ҳам
Ўтади сездирмай эригандек қор.
Боболар айтгандек бу дунё биркам,
Эй, дўстим, афсус деб, хўрсинма
зиҳқор!
Кечаги биллур қор, қара, йўқ бугун...
Ариқлар шилдираб, куйлаб оқмоқда.
Қирда қор парчаси остидан гулгун
Майсалар бўй чўзиб, яшнаб боқмоқда.
«Ўзилган бир киприк абад йўқолмас!»
Ҳеч нарса келмагай, ўтмагай бенз.
Кимдир қаср солар, кимдир ер чопар,
Ҳаётда ҳар кимдан қолур битта из.
О, кимдан яхши из, бир нишон қолса,
Бунинг савобига ҳеч нарса етмас!
Аммо сен қолдирган изни кўрганда
«Дунёни топтабди!» демасалар бас!

Бугун шундай: истиқболга олиб келувчи йўлларни сарҳисоб қиладиган кунлар. Ким истиқболни қандай куйлади, қай даражада куйлади? Бу кунга қайси йўлдан келди, қолдирган изи қандай? Бу из ҳаммадан кўра эгасининг ўзига аён. Ва ҳар бир инсон босиб ўтган йўлларидаги изларини ўзи, фақат ўзи сарҳисоб этади ва ўзи хулоса ясайди. Бу унга берилган ҳуқуқ. Адабий жамоатчилик, халқ эса бу хусусий хулосаларни, якунларни умумлаштиради ва ўзининг олтин тарозисида ўлчаб, унга баҳо беришга шошилмайди. Баҳони вақт беради. Бу вақт кунми, йилми, асрми ҳаётнинг ўзи кўрсатади... Унгача:

«Дунёнинг аччиғу чучугин тотиб
Тунларни ўтказар шоир беуйқу.
Одамлар дардини ўзига олиб,
Қувончни уларга бағишлайди у!»

Шукрулло аканинг «Тўйдан кейин томоша» номли саҳна асарининг қаҳрамонларидан бири Фозилхўжа: «Умр кечиришнинг ўзи ҳам бир тўй», дейди. Бу чиндан ҳам топиб айтилган гап. Шукрулло ака ижодининг бутун моҳияти, менинг назаримда, ана шу тўйга инсон қандай қилиб ва қандай тўёна билан етиб келиши ҳақидадир. Бу инсон босиб ўтган йўлнинг ибтидосию интиҳоси оралиғидаги масофалардир. Бу масофада инсоннинг мураккаб тақдири ётади. Шукрулло аканинг «Афсус» номли шеъри шу ҳақда:

Кимдир бу дунёда юз йил яшайди,
Кимдир бу ҳаётдан кетар навқирон,
Ҳаммаси ҳам бир кун видолашади,
Ҳаммаси ҳам, аммо тинчимас бир он.
Ҳа инсон умрида нелар кўрмайди,
Барини кечирар — азобу ором...
Орзулар чироғи бизни қўймайди,
Бизни парвонадек қилиб олар ром.
Гоҳо дил шикаста, гоҳ қувонч билан,
Кеча-кундуз каби ўтади умр.
Дардкаш бўлолмаймиз дўстларга
баъзан,
Ҳаёлга ҳам келмас сўрамоқ узр...
Ҳатто энг муқаддас она қабрига
Ёдимизга келмас қўйиш даста гул,
Баъзан шуҳрат қилар бизни овора,
Баъзида нафсимиз қилиб қўяр қул.
Елиб-югурамиз... Лекин минг аттанг,
Ҳаётдан мангуга юмарканмиз кўз,
Одамлар юзига тикилиб ўйчан,
Шу чоқ тилимизга келар битта сўз:
Гўё энг муқаддас тиловат каби,
Ризо бўлинг, деймиз, ҳаммага такрор.
Фақат одамларнинг ризолигидан,
Ўзга буюк орзу йўқ каби зиҳқор.
Қариндош-уруғу дўстга боқамиз,
Гўё барчасини энди кўргандек,
Ризо бўлсин деймиз, шу дамгача биз
Гўё айтишликка улгурмагандек!
Энди-чи, ҳаёлга келмас шуҳрат, зар,
Одамлар кўриниб қолар муқаддас.
Одамлар ризосин ўйлар баъзилар,
Афсус, сўнгги дамда, афсус бир
нафас...

Бу шеърни ўқиб, одам ўйланиб қолади: қилаётган ишимизнинг, босаётган қадамимизнинг охирини ўйлаяпмизми? Ҳеч бўлмаса, иш жойимизда бир хонада ўтирган ҳамкасб дўстларимиз билан муомаламиз яхшими, маҳалла-кўйдагилар, қўни-қўшнилар билан одамгарчилигимиз қандай? Шеърни ўқиганда беихтиёр шулар ҳаёлдан кечади. Минг афсуски, тириклик, шоншуҳрат, ўткинчи туйғуларга берилиб, жар ёқасига келиб қолганимизни баъзан билмай қоламиз...

Шукрулло ака шеърларининг асл маъзида «Яхшилик яхши» деган бир ҳур фикр ётади. Шунинг учун бўлса керак, адибнинг истаган шеъриними, достониними, саҳна асариними, ёки насрий асарини оласизми, унда шарқ шеъриятининг серқирра бўёқлари, хусусан насихат мушоҳадаси устун туради. Бу адибнинг ҳаётни, одамларни чуқур билишидан, ҳаётий ва адабий тажрибасининг устунлигидандир. Шоир «Дунё ва одамлар» номли шеърини:

Дўстларим, оҳ чекиб, деманг,
«ҳаҳ дунё»,
Ҳаҳ, одамлар, — денглар, «ҳаҳ»,
одамлар» денг,—

деб тугатса;

Ўз-ўзингга етмоқ бўлиб кўкка
қанча сакрасанг,
Фақаттина ерни ўйиб, шунча тубан
кетасан,—

деб нуқта қўяди адиб яна бир тўртлигига. «Поклик» деб номланган шеъри ҳам худди шу йўсинда бошланади:

«Ўзгалардан ҳадеб нолийверма, бас;
Дўстим, ўзингга ҳам ҳисоб бер бирпас!

Ҳикматли сўзлар руҳига яқин бундай халқона шеърлар Шукрулло акани халққа янада яқинлаштирди. Адибнинг юқорида номи тилга олинган «Поклик» деган шеъри:

Сўқмоқ эгри бўлса, кўп нолима, бас,
Фақат эгри йўлдан тўғри қадам бос!—

деб тугалланади. Ушбу икки қатор якуний сатрларни атоқли адиб Шукрулло ака ҳаёти ва ижодига нисбат берса бўлади. Сабаби, Шукрулло ака умри давомида босиб ўтишга тўғри келган кўпгина эгри йўллардан ҳам тўғри юриб келган матонатли ижодкорлардан. Эгри йўлларданки, тўғри юриб халқнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган Шукрулло аканинг Ўзбекистондаги Истиқлол туфайли очилган катта, тўғри, лекин машаққатли йўлдан муборак етмиш ёшида ҳам йигит ғайрати билан шаҳдам юришига, халқимизни янги-янги мазмунли асарлар билан хушнуд этишига ишончимиз комил.

Исмоил МАҲМУД.

• *Ўзбекистон халқ шоири ШУКРУЛЛО—70 ёшда*

КОМИЛУ ФОЗИЛ ИНСОН

УСТОЗ АДИБЛАР ҳақида ёзиш ҳамиша қийин бўлган. Бу қийинчиликни бугун мен ҳам ўз бошимда синаб кўрмоқчиман. Ниятим — атоқли шоиримиз Шукруллонинг асарларини таҳлил қилиб, унинг ижодий портретини чизиш эмас, албатта. Бир шеър ошиғи, шоир шеърларининг мухлиси сифатида ўз миннатдорчилигимни билдиришдир.

Шукрулло — энг аввало асл инсон, дўстларига, шогирдларига, юртига содиқ инсон.

Ёш шоирлар даврасида доим шундай гап қулоғимга чалиниб қолади:

— Китобинг нима бўлди?

— Эй, бўлмаётибди. Ҳали у дейишади, ҳали бу. Нима қилишга ҳам ҳайронман.

— Сенга маслаҳат, Шукрулло акани қидириб топ. У кишидан бошқаси сенга ёрдам беролмайди.

Гоҳида иқтисодий мавзулардаги суҳбатларга ҳам гувоҳ бўлиб қоламан:

— Жуда қийналиб қолдим. Озгина сармоядан ёрдамлашсанг.

— Мен ҳам сен қатори-ман. Менга қара, Шукрулло аканикига бор, ҳамиша ёшларни қўллаб юради дейишади...

— Берармикан? Мени танимаса, билмаса...

— Сен шоирсан-ку, кейин, яхшилаб тушунтирсанг, сира йўқ демайди.

Биров аввало юрак ютиб, кейин истиҳола тортиб бировникига бориши жуда улуғ неъмат. Шу гапни ҳам энг аввало Шукрулло аканинг оғзидан эшитганман.

Чин инсон юртига, имонига ҳамиша содиқ бўлади, ҳар қандай азоб-уқубатдан ҳам омон чиқади, боши тошдан, елкаси пўлатдан бўлади дейишади. Шукрулло ака ана шундайлар сирасига киради.

Узоққа бормасдан, адибнинг «Кафансиз кўмилганлар» романини варақлаб кўринг, азиз муштарий, унинг ҳар саҳифасидан юқоридаги сўзларимизнинг исботини топасиз.

Шукрулло ака улкан лирик шоир. Келинг, шоирнинг бир шеърини ўқиб кўрайликда, кейин сўзимизни давом эттирайлик.

Баъзилар севгини дейди зўр ташвиш,
Уйқусиз тунларга беролмасдан тоб.
Кошки, мумкин бўлса ёшликка
қайтиш,
Розийдим куйдирса мени у офтоб!

Оҳ, ўн саккиз ёшим! Ўн саккиз ёшим,
Ишқ ташвиши асир айлаган тунлар,
Кошки, ўша ташвиш бўлса йўлдошим,
Тарк этмаса эди мени бутунлай.

Қани ойдин кеча? Қани у ариқ?
Висол ташвишлари ўртаган бир он.
Буларни ташвишмас, ором дер ошиқ,
Ошиқлик лаззати қайтмас ҳеч қачон!

Севгига ташвиш деб қараганим йўқ,
Севги ташвишига бера олдим тоб.
Ўртанмасам, қайдан бўларди қўшиқ.
Бўлармиди севги ҳақида китоб!

Шундай шеърни ёзган шоирни эъзозламасдан бўладими? У ҳар қанча иззат-икромга лойиқ!

Ёшлик йилларимиз эди. Икки севишган — мен билан қизнинг орамизга совуқчилик тушиб қолди. У тегадиган, мен уйланадиган бўлганда бу нимаси денг? Қизи тушмагур турсайиб бир ёнга кетди, мен ғазабда бу ёнга. Рости, ҳисларнинг алдангани сенга алам қилар экан. Шукруллонинг «Инсон ва яхшилик» номли шеърлар китобини варақлаб туриб, бир шеърга кўзим тушиб қолди. Буни қарангки, шеър менинг ўша кунги кайфиятларимга мос экан. Айниқса:

Айланмади тил ўша онда,
Хайрлашдик бебўса ва жим.
Сен кетдингу қолдим армонда,
Учрашишни сўроқлолмадим.

Тасодифий мен учун бу ҳол,
Келтиргани бахтми ё ҳижрон.
Ҳали-ҳали этолмайман ҳал,
Фироқингда ўртана жонон.

Тасодифдан шодман, аммоки,
Афсус билан ўрталганим рост!
Қайдасан ёр, топгунча токи
Тасодифга йиғлайман холос,—

деган сатрлар юрагимга жуда эш эди. Шартта оқ қоғозга кўчирдиму эрталаб ўша қизга бериб юбордим. Кечроқ бир энлик хат келди: «Тасодифга йиғламанг, ўзим жуда пушаймонман, кечиринг». Мана, шеърнинг куч-қудрати! Йигирма йил бўлди. Ўша қиз билан икки ўғил, бир қизни тарбиялаб вояга етказяпмиз. Бугун шу шеърни ёзгани учун Шукрулло акага раҳмат айтгим келади.

Виждони тоза инсон борки, халқи, юрти учун яшамоғи зарур. Меъмор қурган биноси билан, боғбон ўстирган ниҳоли билан, ижодкор ижоди билан халқ дилида мангу қолади.

Шукрулло устознинг тўрт қатор шеъри бор:

Хоҳ тўхтаган бўлсин, хоҳ
чиқарсин сас,
Гар мили бўлмаса, у соат эмас.
Кимники, халқига муҳаббат йўқдир,
Хоҳ ўлган, хоҳ тирик инсон саналмас.

Бу сўзлар оддийгина сўзлар эмас. Бу шоир умрининг мазмунини ифодалайди. Бу сатрлар унинг виждони, юраги буюргани. Қалбида ловиллаб турган одамийлик ўтидир.

Шукрулло устознинг ижодини яхши билган мухлис адиб учун дунёда икки нарса борлигини сезиб олиши унча қийин эмас. Бу ёмонликка нафрат, яхшиликка ҳайрихоҳлик. Шу сабаб, устоз ижодини яхшилик, эзгулик нурини таратувчи гулдаста дегим келади.

Шукрулло устоз ҳақидаги муҳтасаргина каломимни тугатар эканман, шундай дегим келади:

Домла, тўйингиз қутлуғ бўлсин! Ҳаётда яхшиям сиз каби комилу фозил инсонлар бор. Йўқса жаҳолат ботқоғида қолиб кетармиз эдик. Сиз каби оташқалб инсонлар кўп бўлса қани эди!

Темур УБАЙДУЛЛО.

ШУКРУЛЛО,

Ўзбекистон халқ шоири

ҚАРСАКЛАР, ҚАРСАКЛАР...

Қарсаклар, қарсаклар, қарсаклар...
Биламан, сен жуда қарсакка саҳий.
Соатлаб қарс урсанг, қўлинг
толмайди.
Тўғри, чапак яхши, нечундир гоҳи
Унча юрагимга қувонч солмайди.
Залларда урилар қарсаклар бетин,
Ўпирилгудек бўлар тепангда осмон.
Бу таъна тошими ва ёки таҳқир,
Нечун бу гулдурос бўлмайди аён.
«Муножот» қалбларга сингтиса
нурдек,
Куй деб куйланади «Вақвақа тўрам»,
Тавба дейсан, зални кўтариб бирдек
Чапак чалинганда иккисига ҳам...
Наҳотки иккиси баробар санъат,
Икки санъаткорнинг тенгдир баҳоси!
Бу сенинг дидингга бўлган маломат,
Бу мудроқ дилларнинг берган садоси.
Биласан-ку, дўстим, ахир ҳар шеър
Қалам ушлаш билан тушмас қоғозга.
Баъзан қиш фаслида туғилган фикр
Пишиб-етилгунча чиқасан ёзга.
Шеър ҳам битару, аммо шоирнинг
Шубҳа оташида ўртанар жони.
Баъзан шундай чоқда чалинган чапак
Шеър баҳосининг бўлур мезони.
Чалинган ҳар қарсак—ҳар бир
одамнинг
Ўзин дунёсию диди, даҳоси,
Тингловчининг завқи, унинг фаҳмию
Унинг кимлигининг ўлчов, баҳоси.
Элдан олқиш олмоқ бу катта қувонч!
Сенинг меҳнатингга баҳо ҳар қарсак.
Завқ билан қалблардан чиқмаса агар
Гўё бу юзларга урилган тарсак!

МАЙСА

Дунёдан абадий кўз юмгинг келмас,
Ярқираб, гуркираб келганда баҳор.
Еллар қўлларингдан тортқилаб қўймас,
Қўшиқ бўлиб кирар қалбингга анҳор.
Илк марта гуллаган шафтоли тонгда
Қалбингга бағишлар қанчалар ҳузур.
Кўз узгинг келмайди, офтоб минг
рангда
Зангори осмондан сочиб турса нур!
Турналар қур-қурлаб, арғимчоқ солиб,
Сени аллаламоқ бўларлар бир дам,
Кўм кўк майсаларга бағрингни бериб,
Бағридан ажралгинг келмайди ҳеч
ҳам?
Беғубор майсалар!.. Барра майсалар!..
Анҳорлар қирғоғи кўм-кўк майсазор!
Тепалар ён бағри, чинорлар ости,
Қайга назар солма кўм-кўк, беғубор.
Барра майсаларнинг бағрига сингиб,
Қучоғин тарк этгинг келмайди мутлоқ,
Азиз она тупроқ, эй она-диёр,
Қандай бахт бағрингда абадий қолмоқ!

Суратда хассос шоир, драматург, таржимон ва жамоат арбоби Шукрулло онла аъзолари даврасида.

БИЛАСИЗМИ?

АТИРГУЛ ЗАҲАРЛАЙДИ

● **ЎЗБЕК ХАЛҚИ атиргулни дилдан севади, эъзозлайди. Унинг ранг-баранг нозик гулларига боқиб, баҳри дилимиз очилади. Ўзбекистонда ҳовлисига атиргул экмаган онла йўқ ҳисоби. Атиргул тўйларда давра тўридан жой олади, қувончли дамларда ёр-дўстларга ҳадя этилади. Атиргулга гўзаллик ва бахт рамзи сифатида қаралади. У дастлаб қадимий Эронда экилган бўлиб, кейинчалик Греция ва бошқа ўлкаларга тарқалган.**

Атиргул таркибида эфир мойлари бор. Эфир мойининг озгинаси кишиларни шодлантириши, хушнуд қилиши мумкин, кўпи эса заҳарли таъсир қилади. Чунончи император Гелиогабал ўзига яқин кишилар орасида душман бор, деган шубҳа билан барча яқинларини меҳмонга таклиф этган. Меҳмонлар залга кирганларидан сўнг барча эшиклар ёпилиб, уларнинг устидан беҳисоб атиргул ёғдириб турилган. Натижада меҳмонлар залдаги атиргул ҳидига тўйинган ҳаводан заҳарланиб, ҳалок бўлганлар.

ДУНЁДАГИ ЭНГ ЙИРИК ГУЛ

● **ЖАҲОНГА ўзининг йирик гули билан машҳур бўлган бу ўсимликни фанда Раффлезия Арнольди дейиладн. У гул катталиги жиҳатидан дунёда биринчи ўринда туради. Битта гулнинг айлана диаметри бир метрга етади. Раффлезияга 1818 йили Суматра оролида дуч келган натуралист Жозеф Арнольд тропик ўрмон ҳавоси қанчалик оғир бўлишига қарамай бу гулни ташлаб кета олмайди. Арнольд гулни ҳар томонлама ўрганди. Гул атрофини ўраб олган турли ҳашаротларни кўздан кечирди ва биринчи бўлиб гулни ботаника нуқтаи назаридан тўлиқ тасвирлаб берди. Ўрмондаги оғир ҳаво унинг саломатлигига салбий таъсир етказди. Ўз ишини охиригача етказа олмаган олим орадан икки ҳафта ўтгач вафот этади. Арнольд вафотидан сўнг бу гигант гул унинг номига қўйилади.**

Б. ТУРҒУНОВ тайёрлаган.

*

*

КЕЧА ВА БУГУН

I.

ЭСИМНИ танибманки, рўзнома варақлайман, ойномаларни назардан қолдирмайман. Ҳатто, «Юлдуз», «Анис», «Ҳақиқати инқилоби савр», «Эттилоот» каби нашрларни ҳам топиб ўқиридим. Бу хорижий ва ўз шўро нашрларимиздаги мақолаларни бир-бирига таққослаб, ўзимча хулосалар чиқарар эдим.

«Гулхан» ойномасида бир вақтлар «Нурга ошналар»— «Нурга ташналар» деган рукн бўларди. (Ҳозир борми-йўқми билмадим!) Ушбуда қандай мавзулар ёритилишини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Аммо тан олиш керакки, кашшофлар нашри ҳам тузум назоратида бирёқлама мафкура учун хизмат қилгани сир эмас: **«Бахтли болалигимиз учун жонажон компартияга минг раҳмат!»** Бу шиор **«Барча яхши нарсалар — болалар учун!»** деган шиорнинг жавоби эди, менимча. Ҳа, шиорнинг ростлигини кунда исботлашарди: «Бепул таълим, ёруғ синфхоналар, текин дарсликлар...»

6-синфда бундай меҳрибонликка «раҳмат айтиш ўрнига» тут ейиш учун бир соат дарсдан кетиб қолгандим. Эсимда, илмий мудир тарбиявий суҳбат ўтказиб... юзимга чала совуган чойни сепиб юборганди. Мен ахир қайдан билай, тут деган мева «яхши нарсалар» сирасига кирмаслигини... Ҳа, биз кўп нарсани билмасдик: Оролни харитадан кўрар ва бу зўр денгиз, ҳатто доҳий илтимосига кўра оч қолган Ўрусиёга балиқ берган, деб фахрланардик. Ҳатто «зўр денгиз» атрофида яшаётган тенгдошларимизга ҳавасимиз келиб юрган, ҳасад ҳам қилганмиз. Бу—ўн беш-ўн етти йил аввалги тушунчалар хотираси.

Суяк қотди. Чорак асрни хатладим. Ёшликда берган кўнгил... дейдилар. Ҳамон рўзномаларни варақлайман.

«...да яшовчи оналар сутида заҳарли моддалар борлиги аниқланди...»

«Орол қуримоқда. Оролбўйи аҳолисининг мия шарлари кичраймоқда».

«Болалар ўлими бўйича Ўзбекистон энг олдинги ўринларда...»

Беихтиёр «Нурга ошналар...» рукнида бериладиган мақолалар эсимга тушади...

Киприкларим оғирлашиб, кўз олдим хиралашади. Кўзимни юмаман. Марказий майдондаги каттакон ҳайкал кўринади кўзимга...

Гўдаклар ўлмоқда бир бой ўлкада
Очликдан, йўқликдан ва касалликдан.
Заҳматнинг тоғини тутиб елкада
Мунгли термулади гўдак бешикдан!
Кафтимдек қалбим ҳам қадоқ-қадоқли,
Бир кам дунё қачон тугал бўладир?
Саҳрои Кабирда БОЛА ардоқли,
Оролим бўйида гўдак ўладир.
Қуёшни барчага дерлар баробар,
Не-чун нур сочади турлича ахир?
Океан ортини текис ёритар,
Менинг елкам эса офтобдан ғғир!..

ЛИРИК ЧЕКИНИШ

ОЛИЙ ўқув юртининг битирувчисиман. Илмий атеизм дарси бўлаяпти. Домламиз гапнинг «эга-кесими»ни жуда жойига келтирадиган нотиқ. Гапга гап уланиб «ҳозирги ёшлар»га бориб тақалди. Тахминан шундай савол қўйилди:

— Нега ёшлар ёмон йўлга кириб кетаяпти?

Ҳар ким ўзича фикр билдирди. Ҳатто ёшларнинг ўзи ёшларнинг салбий ҳислатларини санаб бердилар. Жим ўтира олмадим:

— Эгнингиздаги костюмшимни неча пулга олгансиз, домла?— деб савол ташладим сўз берилгач. Домла «эслай олмадилар». Мен:

— Ўқишни битирсак, бир ставкамизга 130 сўм оламиз. Олим одамсиз, 130 сўмга қандай кун кўриш мумкинлигини назарий тушуниб турибсиз. Иқтисодий етишмовчилик майлига, аммо маънавий қашшоқлик ёшларнигина эмас, катта ёшлиларни ҳам издан чиқараяпти. Масалан, шу илмий атеизм дарсини олайлик. Бундан 6 йил аввал «Худо йўқ, Муҳаммад телба эди», деб ўқитгансизлар. Бугун эса Муҳаммад алайҳис-салом тариқатларини ёқлаб, таълим бераяпсизлар. Сиздек олимлардаки, қатъият бўлмагач, сизлардан таълим олиб, биз қайга борар эдик...

Танаффусда домла мени чақирдилар:

— Имтиҳондан кўнглинг тўқ бўлсин, фақат сендан илтимос дарсларга келмасанг ҳам розиман!..

Айб домлада эмас, талабада ҳам эмас, айб... Балиқ бошидан сасиб бўлган!..

Ўзим она тили ва адабиёти муаллимлигини битирганман. Кейинги беш йилда иккита мактабга «сиғмадим». Сабаби, яна олимлар билан келиша олмаслик: талабалик йилларим олим-домлаларим (кўпчилиги!)нинг маърузаси ғашимни келтирар эди. Ўқитувчилик давримда улар ёзган дарсликлар билан келиша олмадим. Дастурни четлаб, дарс ўтсангиз, «ўзбошимча»лик бўлади. Кўпроқ «икки» қўйсангиз, «педсовет»да сўкишади.

Ҳазрат Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг 550 йиллик маъракалари (28 сентябрь) куни у зоти шарифнинг номлари билан юритилувчи метро-бекатига тушдим. Деворга ўрнатилган «Садди Искандарий» достонидан бир лавҳага тикилиб қолдим. Ҳаёлимдан «Ўзбек адабиёти тарихи» (8-синф) қўлланмасининг 87-саҳифасидаги қайдлар ўтди:

«...Садди Искандарий тинчлик ва осойишталик девори эди... Бу деворни барпо қилишда бошқа халқлар қатори руслар ҳам фаол қатнашадилар. Навоий рус халқини тинчлик ва осойишталик деворини барпо қилган кишилардан, деб муҳаббат билан тилга олади:

Кишилар юбордики, ҳар марзу бум—
Фаранг ўлсуну Рус ё Шому Рум...»

Беихтиёр ўйлайсиз: «ОЛИМ БЎЛИШ ОСОНУ ОДАМ БЎЛИШ...» Талқининг давоми янада «қизиқ»:

«Навоий рус аскарларини таърифлаб, айтади:

Жувонғорида эрди Бартосу Рус,
Фалак хингидек барча тунду шамус...»

(Ўша дарслик, ўша саҳифа).

АГАР ДАРСЛИКДА:

«ки, «Мендикни, Искандар отим дурур,

Ети кишвар олмоқ сифотим дурур...

...Яна азм қилдим чолиб наю кўс,

Муте ўлди ҳукмимга Бартосу Рус...—

мисралари ҳам берилганда эди **рус халқини муҳаббат билан тилга олган Навоийми ёки дарслик муаллифларими деган** саволга ўқувчиларнинг ўзлари тўғри жавоб топган бўлардилар!

Майли Навоийга хиёнат қилганларни у зоти шарифнинг покиза руҳи урсин!

Янги дарсликлар битилаяпти-ку, яхши ният ярим дунё дейдилар.

II.

НАЗАРИМДА, анча ҳовлиқма бўлиб қолганга ўхшаймиз. Боши-кети номаълум бўлса-да, раҳбарлар гапирса бўлди, бир пасда ҳовлиқиб қоламиз. Қайта қуриш бошланган илк даврни эсланг. Ҳатто салбий воқеаларда ҳам. Масалан, 50 ва 100 сўмлик ўзгарган кунлар. Лекин нима бўлганда ҳам умид билан яшаган яхши-да:

Сендан умидларим кўп ҳали дунё,
Барчаси нур каби илиқ бокира.
Шу боис ҳамон мен тирикман,
Илло —
Қалбиму шуурим бўлмаган хира!
Балки мен яшадим баъзан шод-
ҳуррам,
Гоҳида ғам билан бағрингда Дунё.
Бир кеча меҳрингни улашдинг сен ҳам,
Бир тунни ўтказдим қаҳрингда, Дунё.
Аммо сендан сира ранжимас дилим,
Умидларим йиқар ташвишни бу кун.
Мен балки азобга...
Жангга туғилдим —
Фарзандим бахтини таъминлаш учун!
Сендан умидларим кўп ҳали маним
Барчаси нур каби бокира, бутун!

Дилмурод САИДОВ.

ЯНА БИР АНЪАНА: ҚАРИЯЛАР КУНИ

«ОЛТИН ОЛМА—ДУО ОЛ»

Календарни варақласангиз саналар кўп. Шахтёрлар куни,. Болаларни ҳимоя қилиш куни... Энди Қариялар куни.

Албатта, бу сўнгги сана яхши ниятлар билан ташкил қилинган. Бир кун бўлса ҳам уларга эътиборни кучайтириш мақсадида. Лекин бу оммавийлик касб этмади. Бизда, республикамизда хотиржамликка асос бордир. Ҳар ҳолда транспортда кексаларга дарров жой берамиз, кўча-қўйда кўрганда — салом. Бироқ инсоний туйғулар миллат танламас экан.

...Ўтган йили қаттиқ бетоб бўлиб касалхонага тушиб қолдим. Палатада 4 кишимиз. Ёши етмишларга яқинлашган дядя Ваня, 50—55 лар атрофидаги Қосим ака, Собир ака ва мен ёш авлодга мансубмиз. Биз, палатадошларни кўргани касалхонага ҳар куни яқинларимиз бир неча чақирим йўл босиб келишарди. Фақат дядя Ванянинг олдига ҳеч ким келмасди. Елғон бўлмасин, бир ой давомида фақат бир марта синглиси келиб кетди. Ўзининг айтиши бўйича эса бир қизи ва ўғли бор экан. Қосим акага эса аксинча, турмуш ўртоғи кунига икки марта, қизлари, қариндошуруғлари, қудалари келишарди. Тағин ҳар сафар тез-тез келолмаётганларидан узр сўрашарди.

Ўшанда мен буни миллий тарбияга йўйган эдим. Ҳар ҳолда бизда меҳр-оқибат кучли — кексаларни доимо ҳурмат-иззат қиламиз. Дядя Ваня эса... Балки у ҳам ёшлигида ота-онасига шундай муносабатда бўлгандир.

Бироқ Қосим ака касалхонадан чиқадиган куни бўлган воқеа барча фикрларимни ўзгартириб юборди. Уни олиб кетгани турмуш ўртоғи билан... ўғли келди. Ажабо, Қосим аканинг ўғли борлигини энди кўришим эди. Она орқадан бир неча марта тўртгандан сўнг ўғил бор-йўғи бир оғиз гапирди: «Папаш, ишлар кўпайиб келолмадим, кетдик»...

...Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1 октябрни Халқаро Қариялар куни деб эълон қилганда, бизда бу оммавийлик касб этмаганидан афсусландим. Хотиржам бўлишимизга асос бормикан?

Бироқ, юқоридан махсус топшириқ берилмаса ҳам баъзи жойларда Қариялар куни нишонланди. Ҳатто шу кунгача ҳам нишонланмоқда. Ҳечдан кўра кеч яхши деганларидек.

Суратқашимиз Даврон Аҳмад ушбу суратларни Октябрь район Ибн Сино мавзесидаги Фаттоҳ Умаров номли 276-ўрта мактабдан олиб қайтган. Бу ерда Қариялар куни ўзгача нишонланди. Мавзе ва маҳалла кексалари шу куни мактабга таклиф қилиниб улар шарафига дастурхон ёзилди, катта қозонда ош дамланди. Мактаб ўқувчилари ўзлари тайёрлаган бадиий қисмлар, қўшиқлар ва рақслар билан отахонлар кўнглини хушнуд этишди. Ниҳилиш охирида мактаб маъмурияти энг катта нарса — қариялар дуосини олди.

Жойларда тадбирлар ўтказилди, бу ҳақда яна хабарлар берармиз. Биз фақат бир нарсани хоҳлардик — Қариялар куни йилда бир марта эмас — 365 марта бўлса...

Аброр ИМОМХЎЖАЕВ.

ҚОБИЛИЯТЛИЛАР ИШГА КИРИШДИЛАР

Тошкент Давлат дорилфунуни ҳузурида методик марказнинг тузилиши иқтидорли талабалар фаоллигини ошириб юборди. Талабаларнинг касб танлаши ва илмий ижодкорлиги билан яқиндан шуғулланаётган бу марказ ўз атрофига олий ўқув юртининг деярли барча куллиётларидан қобилиятли ёшларни бирлаштирди.

Биология ихтисослигини эгаллаган изланувчан ёш тадқиқотчилар ҳам енг шимариб ишга киришдилар. Уларнинг бир гуруҳи парандачиликни ривожлантиришга қаратилган янгича иш усулини яратди.

Самарали изланишни ишлаб чиқаришда қўллаш мақсадида бу янгилик Тошкент районидаги паррандачилик фабрикаларидан бирида жорий этилди.

●

МУТАХАССИСЛАР ИЗЛАНИШЛАРИ

Ўзбек навшунос олимлари Шарқдаги қатор мамлакатлар мутахассислари билан илмий ҳамкорликда ишлаб, серҳосил пахта навлари яратишдек муҳим ишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Қўҳна Ҳинд диёри олимлари ҳам пахтачилик истиқболи йўлида изланишлар олиб бормоқда.

Ҳинд мутахассисларидан доктор Кадапп билан Дани яқинда жумҳуриятимизга келиб, ҳамкасблари билан жиддий ишга қўл урдилар. Бугунги кунда улар ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий текшириш билимгоҳида тадқиқотларни давом эттириб, ўзбек касбдошлари бошлаган хайрли ишга ҳамкорлик қилмоқдалар.

С. ОДИЛОВА.

ТУРАР ЖОЙЛАР НЕГА ЁНАДИ?

Бу савол кўпчиликни ўйлантиради. Кейинги пайтларда вилоятда бўлган ёнғинларни санаб ўтсак, улар кишини янада ташвишлантиради.

9 августга ўтар кечаси Янгийўл ноҳиясидаги «Ленинизм» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Т. Юнусованинг уйига ўт тушган. Телефон алоқаси йўқлиги ва ёнғиндан сақлаш бўлими узоқлиги сабабли уй тўла ёниб кетган. 11 август эрта саҳарда шу ноҳиядаги кўчат етиштириш шўро хўжалигида А. Эргашев уйига ўт тушиб, уйнинг устки қисми, пешайвон ва автомашина ёниб кетган. 2 сентябрда Тошкент ноҳиясидаги Келес қўрғонида У. Юсупов уйи ёнган. Ёнғин қўшниникига ўтиб, натижада иккала уй ҳам зарар кўрган.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Йил бошидан 1406 та ёнғин содир бўлган ва уй эгаларига умумий ҳисобга миллион сўм атрофида зарар етган. Ёнғин натижасида одамлар, болаларнинг ҳалок бўлиши янада ташвишлидир.

Бекобод шаҳрида 11-даҳанинг 16-уйида уй анжомларининг ёниши натижасида ажралиб чиққан ис газидан 1925 йилда туғилган М. Новикова вафот этган. Тошкент ноҳиясида ёнғин қатор уч уйни ўз домига тортган. Шундан бир уй тўла ёниб, қолган иккитаси қаттиқ шикастланган. Ёнғин натижасида 4 ёшли бола ҳалок бўлган.

Шу йили ёнғинлар оқибатида жами 33 киши ҳалок бўлган. Шулардан 10 таси ёш болалардир. Бундай ҳалокатларнинг сабаби нимада? Кўпинча бунда биз ўзимиз айбдор бўламиз. Рўзғорда ишлатилувчи газ иситиш, электр асбобларини ишлатаётганда ҳар доим эҳтиёткорлик билан ҳаракат қиламизми? Бирор жойга кетаётганимизда дазмол токка уланганлиги, газ устида човгум ва бошқа нарсалар қолган-қолмаганлигини назорат қиламизми? Ёш болаларимиз гугурт ва ёнғинни келтириб чиқарувчи бошқа нарсаларни қўлга олмасликларини уқтириб, бундай «ўйинчоқ»лар қандай оқибатларга олиб келишини тушунтиришга, ҳаракат қиламизми? Булар устида ҳар бир киши ўйлаб кўрса яхши бўларди. Балки шундагина ёнғин ҳодисаларининг оз бўлса-да олдини олган бўлармидик?

О. ПАНФИЛОВ.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА ҚАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ҚОҒОЗ ФАБРИКАСИГА

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Марказий омбор мудири, тайёр маҳсулотлар омбори омборчиси, муҳандис-конструктор, транспорт цехи механиги, аёллар ва эркаклар ётоқхонасининг тарбиячиси, назорат-ўлчов асбобларини таъмирловчи чилангарлар, электр монтёрлар (4—5 даражали), қуритувчилар, исканжаловчилар, маҳсулотни чиқариб олувчилар, қирқувчилар, дафтар агрегатлари машинистлари, ғишт терувчи сувоқчилар, лаборантлар, юк машиналари ва автоюклагичларнинг ҳайдовчилари, токарлар (3, 4, 5 даражали), шунингдек, чилангар ва электрмонтёр ихтисослигига ўқитиш учун ўсмирлар.

Фабриканинг ҳамма ишчиларининг болаларига ясли-боғчадан жой ажратилади, ёлғизлар ётоқхона билан таъминланади. Ишчиларни Чилонзор ва Слоним даҳасидан ишга ва ишдан сўнг олиб бориб қўйишга фабрика транспорт билан таъминлайди. Квартал иш натижаларига кўра 13 ойлик тўланади.

Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Куйбишев кўчаси, 23-уй, ёки Ҳасанова кўчаси, 14-уй.

Ўзбекистон қурилиш вазирлиги

«ЎЗСТРОЙКОНСТРУКЦИЯ» ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси

ТОШКЕНТ ТАЖРИБА-МЕХАНИКА ЗАВОДИ

1991-92 йилларга

йиғма темир-бетон ва уй-жой қурилиш комбинати маҳсулотлари (ностандарт қурилмалар) учун қолиплар тайёрлашга, шунингдек темир-бетон маҳсулотлари заводлари учун буюртмачи металидан, ёки бозор баҳосидан пастроқ, келишилган нархда тайёрловчилар металидан қоплама деталлари тайёрлаб бериш учун

БУЮРТМА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 25-алоқа бўлими, А. Қаҳҳор кўчаси, 47-уй.

Телефонлар: 55-03-76, 55-13-85.



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Хадра майдони)

25 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА ҲИНДИСТОНГА ҚИЛИНАДИГАН САФАРГА БАҒИШЛАНГАН

(таркиби 65 кишилик)

ЯНГИ ДАСТУР

«ЦИРК—РЕВЮ—ЦИРК—РЕВЮ»

2 бўлимдан иборат катта ранг-баранг дастур.

Томошалар соат 18.30 да; шанба кунлари — соат 15, 18.00 да; якшанба кунлари — соат 11, 14, 17.00 да бошланади.

Цирк кассаси ҳар куни соат 10 дан 19.00 гача ишлайди.

Олдиндан чипталар сотиш ташкил қилинган.

Жамоа бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинмоқда.

Маълумотлар учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04.

Цирк фойесида тезкор суратхона фаолият кўрсатяпти.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/Х да **Жар**, 20/Х да **Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА—18/Х да **Куёвлар конкурси**, 19/Х да **Юсуф ва Зулайҳо**, 20/Х да **Кулги ва шодлик**, 21/Х да **Анқовлар чайқови.**

ДАВР РУҲИГА МОС

Тошкент халқ хўжалиги билимгоҳи Иқтисодиёт давлат дорилфунунига айлантирилгандан сўнг янги олий ўқув юртининг фаолият доираси янада кенгайиб кетди. Янги куллиёт ва кафедралар очилди. Эндиликда у жойларда ўзининг филиалларига ҳам эга.

Халқаро иқтисодий муносабатлар куллиётида ҳозир 400 га яқин талаба таҳсил кўрмоқда. Ташқи иқтисодий фаолият бўйича кадрларни қайта тайёрлаш соҳаси билан махсус куллиёт шуғулланмоқда.

Мактаб таълими шароитида ўқувчи-ёшларни иқтисодиёт билимлари билан яқиндан ошно қилиш тадбирлари ҳам кўрилди. Шу мақсадда ихтисослаштирилган база мактаби ташкил қилинди. Шаҳримиздаги 90-мактаб ана шу йўналишдаги билим даргоҳи сифатида кўплаб иқтидорли ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш билан шуғуллана бошлади. Бу ерда олиб борилаётган дарс машғулотлари тиллар, иқтисодиёт ва молиявий билимларни чуқур ўрганиш асосида ташкил этилмоқда.

—●—

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИКДА

Тошкент оперетта театри саҳнасида кўрсатилаётган спектакллар ўзининг ранг-баранглиги билан ҳам ажралиб турибди. Бундай самарали ижодий изланишларни олиб боришда қардош жумҳуриятлар етук санъаткорлари билан яқин ҳамкорлик алоқалари муҳим роль ўйнамоқда.

«Ўғирланган келин» қувноқ опереттасининг саҳна юзини кўришида ҳам ижодий ҳамкорлик қўл келди. Грузин бастакори Г. Канчелининг бу опереттасини саҳналаштириш учун москвалик таниқли режиссёр, Шўролар Иттифоқи халқ артисти В. Курочкин таклиф этилди. У театрнинг ёш режиссёри О. Дўланов билан биргаликда «Ўғирланган келин»ни саҳнага муваффақиятли олиб чиқди.

А. АЛИЕВ.

• ОДОБНОМА •

ҲИММАТ

ШАРҚОНА одатлардан бўлмиш ҳиммат кўрсатиш фазилатини халқимиз ҳамиша ардоқлаб келган. Юрт бошига қандай ташвиш тушмасин, не балоларни бошидан кечирмасин, барибир асл ўзбек ҳимматли бўлган. Ана шу ҳиммат туфайли ҳам халқимиз бир-бирини суяб келди. Гарчанд бу юксак фалсафий тушунча бўлсада инсонда айнан мана шу туйғу ҳозирги кунларда жуда зарурдир. Менимча, биз бугун кечагидан ҳимматлироқ бўлсак, бир-биримизни авайлабасрасак, эришган мустақиллигимизни бой бериб қўймаймиз. Ҳар ишда андиша, бир-бирини ҳимоя қилиш бўлгандагина бошқалар олдида юксак маънавий ҳиммат кўрсатган бўлар эдик. Халқига, юртига холис хизмат қилиш, беминнат садоқат ҳимматининг юксак чўққисидир. Бундай кишилар ҳеч қачон хор бўлмайди. Тўғри, вақтинча таъқиблар остига олиниши мумкин, бироқ эзгулик ҳиммати ҳеч қачон одамлар ёдидан чиқмайди. Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон қувғинликда не-не азобларни бошидан кечирмадилар. Бироқ неча ўн йиллардан кейин бўлса ҳам уларнинг рўшноликка чиққанлиги ҳаётликларида юртига кўрсатган ҳимматларидан эмасми?

Инсоннинг ўз фарзандига кўрсатган ҳиммати — унга берган яхши тарбияси, деб ўйлайман. Ўз бурчини, тарбияни унутган ота-оналар ҳам талайгина. Боласидан юз ўгириб, етимлик гирдобига улоқтираётганлар-чи? Яқинда маҳалладаги тўйда бир гуруҳ отахонлар: «Бу столстуллар, қозон-товоқ, асбоб-анжомлар бир вақтлар раҳматлик Саид ака бошчилигида олиб келинган эди. Ўзлари анча елиб-югуриб, холис таклифисиз. «Бизга нима хизмат бор?» деб шу хонадонда ҳозир бўлади. Қани энди ҳамма ҳам ана шундай фазилатга эга бўлса.

Яна бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Касалхонага бемор дўстимни кўргани борган эдик. Касалхона йўлагида 5—6 нафар йигит хомуш ўтиришарди. Вазиятга кўра мақлаларни ҳам ҳайрия қилиб юборгандилар. Қарангки, неча йиллардан буён тўймаъракаларга яраяпти-я» дейишди. Ҳа, дунёда эзгу кишилар, яхшилик уруғларини сочиб кетганлар жуда кўп. Бизлар эса уларни қадрлашимиз даркор.

Мен ўзига тўқ, серҳиммат бир одамни биламан. Қўшнилар, қариндош-уруғлар бирор ис чиқарса, шу киши маросимдан уч-тўрт соат аввал келиб қандай камчилик бўлса, шуни албатта ўзи ёки фарзандлари орқали муҳайё қилади. Бировнинг бошига ташвиш тушса, ҳеч кимнинг ҳалиги йигитлар билан суҳбатлашишга тўғри келди.

— Э, оғайнилар, — деди улардан бири,— уч кун аввал бир улфатимизнинг аёлини машина уриб кетди. анча қон йўқотибди. Бизлар ўз ҳохишимиз билан қон бериб, бемор тепасида навбатчилик қилиб турибмиз. Ишқилиб соғайиб кетсинда.

Бу юксак туйғу мадҳини қоғозга тушираётиб, Алишер Навоийнинг «Лисон ут тайр» («Қушлар тили») китобидаги ҳиммат ҳақида битилган насрий баён ёдимга тушди. Унда жумладан шундай дейилади.

«...Агар ҳиммат бир гавҳар бўлса, инсонни садаф деб ҳисобла, бу садафга асл шараф ўша гавҳар туфайлидир. Агар кишида ҳиммат бор бўлса, унга тахт ва амалнинг кераги йўқдир, мулк ва мол-дунё ҳам унинг кўнглига ёқимли туюлмайди. Кимнинг нақд молу мулки бўлмаса ҳам ҳиммати бўлса бас, шунинг ўзи унинг учун катта давлатдир. Зеро, ҳиммати баланд киши ҳар қандай ишни бажара олади...»

Ҳа, миллатимиз юксалсин, ҳар тарафлама камол топсин десак, ҳиммат деган буюк фазилатни, одамгарчилик деган олий туйғуни асрайлик. Маҳаллаларда, иш жойларида, ҳаётимизнинг турли жабҳаларида уларни мукаддаслаштиришимиз лозим. Ёшлар учун «Одобнома» дарсларида ҳам Навоий ҳазратлари айтганларидек, серҳиммат, гўзал бўлишга ўргатмоқлик, ёшларга бу борада ўрнак бўлмоқлик даркор. Зеро, ёшлар чор атрофдаги кишиларни кўриб, беҳиммат бўлиб қолмаслари керак. Юқоридаги ҳаётий воқеаларни ким қандай талқин қилади, билмайман, ҳар ҳолда биринчи навбатда маънавий эътиқодимиз ва имонимизни ҳамиша бут сақлаб, йўқолган бўлса тиклаб олишимиз даркор. Ана шундагина юксак даражада камол топган бой жумҳурият яралади.

Бахтиёр КАРИМОВ, муаллим.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент вилоят мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва сотиш ширкати бирлашмаси («Ташоблкоопзаготторг»)га қарашли.

НОҲИЯ ВА ШАҲАР ТАЙЁРЛОВ ШИРКАТ САВДОСИ БОШҚАРМАЛАРИ АҲОЛИДАН

Тирик вазнда йирик шохли қорамол, қўй ва чўчқаларни шартнома асосида харид қилиб олади. Бунинг эвазига сизларга енгил автомашина, телевизор, холодильник, кир ювиш машинаси ва тикув машинасини беради.

ХАРИД НАРХЛАРИ ҚУЙИДАГИЧА:

(Тирик вазнда килограмм ҳисобида)

Йирик шохли қорамол — 4 сўм 90 тийин.
Майда моллар (қўй) — 4 сўм 20 тийин.
Чўчқа—3 сўм 85 тийин.

Енгил автомашина ва юқорида қайд этилган маданий моллар 1991 йил давомида берилади.

УЛАРНИ БЕРИШ ТАРТИБИ ҚУЙИДАГИЧА:

«Жигули ВАЗ—21063» автомашинасига — 6 тонна;
«Москвич—412» автомашинасига — 4 тонна;
«Запорожец» автомашинасига — 2 тонна;
Телевизор учун — 200 килограмм;
Холодильник учун — 100 килограмм;
Тикув машинасига — 80 килограмм;
Кир ювиш машинасига эса — 25 килограмм гўшт топширилиши керак.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: 700143, Тошкент шаҳри, Луначарский кўчаси, 276-уй.

Телефонлар: 65-90-45, 64-96-50.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ, САҚЛАШ ВА СОТИШ ШИРКАТИ БИРЛАШМАСИ.

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: мафкура — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт—325749; маҳаллий Кенгашлар ҳаёти—325733; ижтимоий масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик ва спорт — 325645; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсатгичи: 6124. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди—18.00. 44 минг нусха босилди.